



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 28 август, чоршанба

№68 (11.456)

Эркин нарҳда сотилади

GERMANIYALIK SENATORNING TASHRIFI

Германиянинг Бремен федерал ери ички ишлар ҳамда маданият ва спорт масалалари бўйича сенатори Куно Бёзе бошчилигидаги делегация аъзолари 27 август кuni Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Орипов билан учрашди.

Таъкидлаш жоизки, Бремен иқтисодий-маданий алоқалар, хусусан, пахта sanoati савдоси бўйича Европада етакчи ўринда турадиган шаҳарлардан бири саналади. Шунингдек, у қадимий маданияти, нуфузли олий ўқув юрталари билан ҳам машҳур. Хозир Бремен университетида ўзбекистонлик 22 нафар йигит-қиз таҳсил олмақда.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни янги поғонага кўтариш, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш ҳақида фикр алмашилди.

Шу кuni делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари С. Сафоев билан ҳам учрашди.

О. РАЖАБОВ,
ЎЗА мухбири.

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизда Осийё тараққиёт банки директорлар кенгашидан иборат делегация меҳмон бўлиб турибди. Делегацияга банк ижрочи директорлари Жулиан Пан раҳбарлик қилмоқда.

Мазкур делегациянинг юртимизга ташрифидан кўзланган мақсад Ўзбекистонда иқтисодиёт ва молия соҳасида олиб борилаётган ислохотлар билан яқиндан танишиш, мамлакатимиз билан ушбу банк ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат.

Делегация аъзолари 27 август кuni Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Файзулла Муллажонов билан учрашди.

Учрашувда меҳмонларга Ўзбекистонда иқтисодий-молиявий ислохотлар, пул-кредит сисъати соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

Сўхбат чоғида томонлар Ўзбекистон билан мазкур банк ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашди.

Шу кuni делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ҳам музокара ўтказди. (ЎЗА).

MUSTAQILLIKNING 1 YILLIGIGA

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2002 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн бир йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва

ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони билан бир қатор юрtdошларимиз Ватанинг юксак мукофотлари – унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида Тошкент вилоятидан қуйидагилар бор:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Чудаков Виктор Михайлович – ЎзФА «Физика-Кўш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институтининг етакчи илмий ходими

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Сулейманов Январ – Тошкент вилояти Охангарон туманидаги қишлоқ шифокорлик пункти мудири

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Жумабеков Валерий Умарович – Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 20-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Ульченко Лариса Степановна – Тошкент вилояти Чиноз тумани марказий шифонаси бош шифокори муовини

«Дўстлик» ордени билан

Белоголов Игорь Владимирович – Тошкент давлат аграр университетининг бота-

ника ва табиат муҳофазаси кафедраси мудири

«Шухрат» медали билан

Абдуханова Ҳалимахоно Расиховна – Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 20-ўрта мактабнинг физика фан даректору

Кенжабоева Муаззам Иномовна – Тошкент вилояти Урта Чирчиқ тумани марказлашган кутубхонаси директори

Кистаубаев Шекербек Асилбекович – Тошкент вилояти Қибрай тумани марказий шифонаси фельдшер

Махмуджова Матлубахон Саидбековна – «Тошкент ҳақиқати» газетаси нусха кўчирувчиси

Нишонбоев Озод – Тош-

кент вилояти Урта Чирчиқ тумани марказий шифонаси бўлим мудири

Одилов Рихситилла Мирзахолович – Янгийўл китоб фабрикаси чоп этувчиси

Раҳмонов Дарвишбек Урунбоевич – Тошкент вилояти Янгийўл тумани маданият бўлимининг «Қалдиғоч» цирк жамоаси режиссёри

Усмонова Сахира Муратовна – Тошкент вилояти Бўка туманидаги 2-ўрта мактабнинг математика фани ўқитувчиси

Эргашева Дилдор Акбаровна – Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 8-болалар боғчаси тарбиячиси

Ҳамидова Мухтабар Мусаевна – Тошкент тумани «Истиклол нури» газетаси муҳбири

Каримов Абдувахоб – «Тошкентдонмахсулот» акциядорлик жамиятининг етакчи технология

Курбанов Абдуқохар Маликович – Республика Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмасининг Тошкент вилояти вақилиги директори

Некрасов Владимир Егорович – Зангиота туманидаги «Ускуна курувчи» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, Тошкент вилояти

Оқиллов Авазхон Усмонович – Пскент туманидаги «Бунёдкор» жамияти раиси, Тошкент вилояти

Пардаев Абдирахим – Охангарон тумани автомобил йўллари бошқармасининг автогрейдерчиси, Тошкент вилояти

Ражабова Химоят Аминовна – Окўўрғон «Пахта тозалаш заводи» хиссадорлик жамиятининг оператори, Тошкент вилояти

Режабов Хусанбай Кучкарович – «Тошвилоятқурилиш» хиссадорлик жамияти 100-механизациялашган кўчма колоннасининг фаштерувчиси, Тошкент вилояти

Сарбоев Манзирай Эргашевич – Паркент тумани бош меймори, Тошкент вилояти

Сухенов Лидия Матвеевна – «Охангаронцемент» хиссадорлик жамияти режа-иқтисод бўлимининг бошлиғи, Тошкент вилояти

Турдиматов Тўйчи Эшмуратович – «Бекободцемент» хиссадорлик жамиятининг печ машинисти, Тошкент вилояти

Ҳамидов Шаирсин Кенжаевич – Юкоришчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Тошкент вилояти

Эсантурдиева Кундуз Усмоновна – Бекобод туманидаги «Янги ҳаёт» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Тошкент вилояти

Османов Шевкет Меметович – Ангрэн шаҳридаги «Саноатқалинқосазавод» акциядорлик жамияти бош директори, Тошкент вилояти

Сантқулов Ахматжон Хусанович – «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг пулат эритувчиси, Тошкент вилояти

Тасъбаев Шермат Мирзаевич – Бўстонлик туманидаги «Кўшқўрғон» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Тошкент вилояти

Холмонов Эрон – Паркент туманидаги «Ҳожи ота» фермер хўжалиғи бошлиғи, Тошкент вилояти

«Шухрат» медали билан

Абдиллаев Исмоил – Пскент туманидаги «Кенаф» Ўзбекистон-Чехия кўшма корхонасининг бош муҳандиси, Тошкент вилояти

Азимов Ғайрат Ташкентбаевич – Янгийўл туманидаги «Ғайратбек» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, Тошкент вилояти

Базаров Мухитдин Хуснитдинович – Чирчиқ шаҳридаги «Электромобилсаноат» акциядорлик жамиятининг оператори, Тошкент вилояти

Закирова Ханифа Абдувалиевна – Куйичирчиқ тумани ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар кўмитаси раиси, Тошкент вилояти

Иргашева Манзира Маннаповна – Олмалик шаҳридаги «Аммосфос» акциядорлик жамиятининг аппаратчиси, Тошкент вилояти

Исабаев Рузимат Научаевич – Тошкент туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалигининг механизатори, Тошкент вилояти

Йўлдошев Гамлет Махкамович – Чиноз туманидаги «Гулзоробод» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, Тошкент вилояти



ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Айни кунларда Ўзбекистон мустақиллигининг ўн бир йиллиги муносабати билан ўтказиладиган шодиёналарга қизғин тайёргарлик кетмоқда.

Мустақиллик байрами тантаналари учун тайёрланаётган ҳар бир қисм ўзига хошлиғи билан ажралиб туради. Байрам дастурларидан ўрин олган «Бола кўзи билан кўринг дунёни», «Баркамол авлод – юрт келажағи», «Ватан саждағоҳ каби муқаддасдир», «Вилоятлар гулдастаси», «Санъатингга ҳамоҳанг жаҳон», «Осмон тўла юлдузлар» деб номланган бўлимларда юртимизнинг бетакорр гузалликлари, анъаналари, миллий оҳанглари, бой маданияти-ю моддий ноз-неъматларини мадҳ этувчи куй-қўшиқлар катнашилганга кўтаринки кайфият улашиши табиий.

Келажагимиз давомчилари бўлган мити-юлдузларнинг самимий, беғубор қўшиқлари дилларни яйратса, ватанпарварлик қишқилари, яъни юртимиз сарҳадлари осойишталигини кўриқловчи ҳарбийларнинг жасорат жўш урган жанговар сахна кўринишлари орқали куч-қудратимиз намоийш қилинади. Ҳар бир вилоятнинг ўзига хос урф-одатлари билан безатилган дастурларда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, бунёдкорлик ишлари мадҳ этилади.

Бугунги кунда миллий эстрадамизга муносиб ҳисса қўшиб келаётган машҳур санъаткорларнинг чиқишларини томошабинлар интиқлик билан кутишади. Чунки бу блокда эстрада йўналишида янги қўшиқлар янграйди. Байрам дастурининг «Осмон тўла юлдузлар» қисмида таниқли эстрада хонандлари билан бирга санъатнинг ушбу йўналишига эндигина қадам қўяётган ёшлар учун ҳам ўз истеъдодларини кўрсатиши имконияти берилган.

Бу йил 15 нафар ёш эстрада хонандлари мустақиллигимизнинг ўн бир йиллик тўйида ўз санъатларини намойиш қилишади. Ўзбекистон қўшиқ байрами ва кўриктанловларининг ғолиблари ҳам ўзларининг янги тароналарини томошабинларга тақдим этади.

«Туркистон-пресс»

● Сиз суратда кўриб турган ушбу гуруҳ аъзолари Мустақиллик байрами тантаналарининг «Вилоятлар гулдастаси» бўлимида вилоятимиз номидан иштирок этадилар.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ИСТИҚЛОЛ НАФАСИ

Янги "Нексия"

«ЎзДЭУавто» кўшма корхонасида «Нексия» энгил автомобилнинг янги, тақомиллашган турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу модел 16 клапанли «Дойч» двигатели билан жиҳозланган.

Бу мотор қувватини 85 от кучига етказиш ва тезликни ошириш имконини берди. Автомобилнинг бошқа хусусиятларини ҳам яхшилаш имконини берган ўндан ортиқ ўзгаришлар киритилган. Экологик жиҳатдан ҳам янги «Нексия» бошқа машиналардан устун туради.

Бу модел уч ойда ўзлаштирилди, – дейди кўшма корхона бош директори ўринбосари И.Аҳмаджонов. – Халқро сertiфи-

кат олдик. Хозирнинг ўзида Россиядан 500 автомобилга буюртма тушган.

Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳақида гап кетаркан, шунки қайд этиш лозимки, жорий йилнинг ўтган 107 та автомобил ишлаб чиқарилиб, шулардан 6741 таси экспорт қилинди. Автомобилсозлар йил охиригача 2000 та янги «Нексия» ишлаб чиқариш ниятида.

С. ШУКУРОВ,
ЎЗА мухбири.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Паркент туманидаги Кўшкўрғонда хашар йўли билан «Қариялар боғи» барпо этилди.

ҚАРИЯЛАР БОҒИ

Унда қарияларимиз хордиқ чиқариб, маданият дами олишлари учун барча қулайликлар яратилган. Ушбу боғнинг тақдимот маросимини мустақиллик байрами арафасида бўлиб ўтди. Ўз мухбиримиз.

МАҲАЛЛАЛАР НАМУНА

Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги байрамига бағишлаб, Бекобод туманида ўтказиладиган ободонлаштириш икки ойлигида 62 ташкилот ва 30та маҳалла фуқаролари йиғинлари, жами 30500 дан зиёд аҳоли қатнашмоқда.

«Ўзметкомбинат» ишлаб чиқариш акционерлик жамияти, «Бекободцемент» хиссадорлик жамияти каби корхоналар, соғлиқни сақлаш, мансий хизмат кўрсатиш ва бошқа муассасалар ушбу тад-

бияти каби корхоналар, соғлиқни сақлаш, мансий хизмат кўрсатиш ва бошқа муассасалар ушбу тад-

ИСТИҚЛОЛ НАФАСИ

ШОҲИДА ЭЛЛИҚАЛҒА БОРАДИ

вилоят бош ҳамшираси Шаҳноза Назарова. – Танловдан кўзланган мақсад ҳам шу. Бугунги бешлашувда иштирокчилар аввалгиларидан фарқли равишда аҳолига дастлабки тез тиббий ёрдам кўрсатиш борасида тажриба ва маҳоратини синаб кўрди.

Айни пайтда вилоятда унлаб шойинчи тиббий ёрдам бўлими, юзлаб

замонавий қишлоқ врачлик пункти фаолият юритмоқда. Вилоятда бугунги кунда 23 минг нафар ҳамшира бор. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурига мувофиқ ҳамширалар малакасини оширишга алҳидида эътибор берилмоқда. Хусусан, 2-ТошМининг олий маълумотли ҳамширалик бўлими ҳамда

Тошкент ўрта тиббиёт ва доринишослик билим юрти билан ҳамкорликда шаҳар ва туманларда умумий амалиёт ҳамшираллиғи бўйича махсус ўқувлар ташкил этилмоқда. Уларда йил бошидан буюн 2 минг 300 нафардан зиёд ҳамшира малака оширди.

Н. ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси 29 август кuni эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 август кuni соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 29 август кuni соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига қирадиган депутатлар диққатига

Олий Мажлисида 28 август кuni соат 13.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

«Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси»

Ўзбекистон Республикасида 2002 йил 27 январда умумхалқ референдуми ўтказилиши ва унинг иккипалатли парламенти тузилиши ҳақида қарорни мамлакатимизда парламентаризм ривожланишида янги ва янада юқорилик босқичини бошлаб берди. Бу Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий демократик дунёвий давлат қуриш борасидаги катта ютуғидир.



Қонунчилик тизимимиз асосан шакланган хозирги даврда янги қонунларни пухта ва ҳар томонлама муҳокама қилиб, бутун қонунлар тизими билан мувофиқлаштириб қабул қилишга эҳтиёж пайдо бўлди. Жаҳон ҳамжамияти тажрибасининг кўрсатишича ушбу масалани ечишнинг энг мақбул йўли икки палатали парламенти яратишдир. Қонун чиқарувчи ҳокимият таркибида ҳар бир палата муайян вазифаларга ахтисослаштириш асосида бўлган парламент фаолияти қонунлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, жамиятнинг барча гуруҳлари ва давлатнинг манфаатлари таъминланишига имкон беради.

Олий Мажлис сессиясида сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидладики, «Олий Мажлис ва унинг кўйи ва юқори палаталари фаолияти билан боғлиқ бўлган кўпгина мураккаб масалалар бўйича атрофлича фикр юритиб, алоҳида қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси ҳали олдимизда турибди. ... Бу қонунларни тайёрлашда, аввало, ўтган ўн йил давомида туپланган ўз тажрибамизга таяниб, қадриятларимиз ва таваққулимизни ҳисобга олган ҳолда, ривожланган демократик давлатларнинг тажрибасини ҳам ўрганиб, уларни ҳаётга татбиқ қилишимиз мумкин аҳамият касб этади».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи қаққир, иккинчи сессиясида мамлакат Президенти Ислам Каримов икки палатали парламент тузиш зарурлигини таъкидлади, чунки бу депутатлар, сиёсий партиялар, ҳудудий ва миллий гуруҳлар, бошқа жамоат ташкилотларининг сиёсий фаоллигини ошириб, қонунчилик ҳарафларида иштирок этишларини кучайтиришга имкон яратди.

Китобга «Хорижий мамлакатлар парламентаризмининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиши йўналишлари» мавзусида илмий-назарий ва таҳлилий қисм киритилганлиги китобхонлар хорижий мамлакатлар парламентаризми ҳақида умумий тўшунча ва тасаввурга эга бўлишлари учун имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси парламентаризми тараққиётидаги янги поғона учун ҳуқуқий маданиятнинг юқори савияси зарур. Шу сабабли жаҳоннинг ривожланган давлатларида йиғилган билим ва тажриба Ўзбекистонда ишлатилиши мумкин аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг бир қатор олимлари томонидан тайёрланган «Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси» (Тошкент: «Шарқ», 2002) китоби ушбу масалани ечишга аҳамиятли хисса қўлади. Унда АКШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, Франция, Япония ва бошқа ривожланган демократик мамлакатларнинг парламентаризм тажрибалари ўзбек тилида тизимли равишда биринчи марта баён қилинган.

Китобда баён этилгандек «ҳокимиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиши йўналишлари» мавзусида илмий-назарий ва таҳлилий қисм киритилганлиги китобхонлар хорижий мамлакатлар парламентаризми ҳақида умумий тўшунча ва тасаввурга эга бўлишга имкон яратди.

Икки палатали парламент тузилиши аввал ҳокимиятнинг ижро тармоғидаги муайян вазолат ва вазифаларни қонунчилик ҳокимияти таркибидаги парламентнинг тегишли палаталари зиммасига юклаш учун имкон яратди. Бу ҳокимиятнинг қонун чиқаруви ва ижро тармоқларининг ўзаро таъсирлари давомида мувозаанатни сақлаш асосида жамият ва давлат барқарорлиги, ҳавфсизлигини таъминлаш учун катта аҳамиятга эга.


Китоб полиграфик жиҳатдан қўриқ қўриқ савияда нашр қилинган. Асарда фаолият таҳлил қилинган парламентлар биналари, Ўзбекистон Олий Мажлисининг ҳашаматли ва ўзгал биноси, уларда ўтказилаётган мажлисларнинг рангли расмлари келтирилганлиги хорижий мамлакатлардаги ва юртимиздаги парламентаризм феномени ҳақида жонли визуал тасаввурга эга бўлишга имкон яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис сессиясининг сессиясидаги маърузасининг матни ушбу китобда келтирилганлиги китобхонларга Ўзбекистонда парламентаризм тараққиёти муаммолари, вазифалари, йўналишлари, тамойиллари ва усуллари ҳақида батафсил ва чуқур билимга эга бўлишга имкон яратди.

Китобнинг яқиний қисмида хорижий давлатлар парламентаризмининг қиёсий ва илмий таҳлилий ўрганиш асосида бир қатор аҳамиятли илмий ҳулосалар келтирилганлиги китоб қаддини янада оширади.

Мазкур асар ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар, социологлар, иқтисодчилар, талабалар, илмий ва амалий ходимлар ҳамда хорижий давлатлар қонунчилигига катта қизиқишда бўлган кенг қамровли китобхонлар оммаси учун фойдали бўлади.

Бахтиёр КАРИМОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор.



Ўзбекистон мустақиллигининг ўн бир йиллиги арафасида «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилоят бўлими уруш ва меҳнат фахрийларидан бир гуруҳининг қадимий ва навоқирон Самарқанд шаҳрида саёҳатини уюштирди.

Бустонликнинг олис тоғли қишлоқлари, Бўқа ва Бекободдан, Қўбрай ва Қўйичирлик... туманларидан йиғилган элликдан зиёд отахон ва онахонларни вилоят фахрийларининг етакчиси Нурмон Насимов энг улуг, энг азиз миллий байрамимиз — яқинлашиб келаётган Мустақиллик куни билан қизгин табриқлаб, сафар кўнглили ўтишини тилади.

Вилоят ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши, қасаба уюшмалари вилоят кенгашининг мадади билан уюштирилган бу саёҳат умрини шаҳар ва туманларни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш учун сарфлаган кишилар ёлдида бир умр сақланиб қолгани шубҳасиз. Чунки улар, назаримда, Самарқанднинг ўзлари учун янгидан кашф этгандек бўлишди. Қадим бу шаҳар мустақиллик йилларида ўз сурати ва сийратини шунчалик ўзгартирган. Осоори-атикалар, қадимий меъморий намуналар, умуман, шаҳар шунчалик авайлаб-ардоқлаб қайта таъмирланган, қайта тикланмоқда.

Вилоятимиз фахрийлари саёҳатини ноёб тарихий ва

Мустақиллик ва маънавият ЖАМҒАРМА ТАШАББУСИ БИЛАН

лик йилларида қайта таъмирланиш ҳарафлари ҳақида гапириб беришди. Шундайки, тарихнинг макрли ўйинлари ҳарамасдан асрлар оша ардоқлаб келинаётган бу ёдгорлик бутун ўзининг бирламчи жиҳатларини тақдор ва абадий тикламоқда. Унинг сокин улғурлиги ва савлати ҳамон зиёратчиларни ҳайратта солиб турипти, бу муқаддас жойга бир бора қадам босган ҳар бир кишига тарихий ўтмишимиз учун ифтиخور ва буюк аждодимиз билан фахрланиш туйғуларидан бир умрлик сабоқ бериляпти.

Самарқандда бу қўлғў замин доврқунинг етти иқлимга ёйган қўп-қўп улғў аждодларибек излари бор, шу атрофда ул мукаррам зотнинг руҳлари кезиб юрибди...

Самарқандга ҳар сафар чоғи зиёратчилар шу азим ва қўлғў заминни ўзлари учун қайта кашф этгандек бўлишди. Бу — бежиз эмас, чунки, ҳар сафар уларни янги бир кашфиёт кутади. Дониёр Пайғамбар маъмуасини зиёрат қилиш чоғида тошкентлик фахрийларнинг кўпчилигида илк дафъа шундай ҳиссиёт туйлиди. Негаки, илгари бу бебахо ва муқаддас обида, унинг бу ўлкада пайдо бўлиш тарихидан бебахра эдик.

Эрамиздан олдинги VI-V асрларда яшаб ўтган Дониёр Пайғамбарнинг иккинчи қабри асрлар оша Самарқандда яхуди, насроний ва муслмонларни бирлаштиришга ундаб турибди.

Охангаронлик зиёратчилар Бекмирза Абдусаломов билан Илсқон Аҳроров ҳам шу маънода фикр билдиришди. Мустақиллик йилларида қайта ободонлаштирилиб атрофи оникс ва қора мармар билан қўланган Дониёр Пайғамбар қабри дунёга машҳур осори-атикаларимиздан бирига айланди.

Бибихоним мадрасаси, Регистон майдони ҳам вилоятимиз меҳнат фахрийлари кўзи ўнгидега ўз виқорли салобатини намоян этиди. «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилоят бўлимининг бош мухтавасисини шоир Турсунбой Сафаровнинг бу осори-атикалар ҳақидаги ёрқин, мазмунли ҳикоялари зиёратчиларимиз тасаввурларини бойитди.

Самарқанд сафарини яна бир мукаррам зот — Имом ал-Бухорий макбараси зиёратини ва шу масжидни кўздан кечкириш билан якунланди.

Вилоятимиз уруш ва меҳнат фахрийлари Самарқанд сафаридан олам-олам таассуротлар билан қайтишди, унинг ташкилотчиларига қайта-қайта миннатдорчилик билдиришди.

Жўрабек МУРОДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Ватанимиз — истёодлар юрти. Мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олиши, жамиятда ўз муносиб ўрнини топиши, қобилятини тўлиқ намоян этиши учун катта ғам-ҳўрлик кўрсатиляпти.

Ниҳоллар Чинорларга айланажак

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси ва тавсияси билан таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти фикримизнинг яна бир яққол исботидир. Бир неча йилдирки, юртимизда санъат соҳасига дадил қадам қўётган энг иқтидорли ёшларнинг ушбу юксак мукофот билан тақдирлаш яхши анъанага айланган қолган.

Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида бу йилги «Ниҳол» мукофоти совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йили мустақиллик байрами арафасида эълон қилинган «Ёш истёодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ асосан ёш санъаткорлардан иборат нуфузли танлов кенгаши тузилган. Уша йили умидли ёшлардан бир гуруҳи илк бор мазкур мукофот билан тақдирланган эди.

Бу йил ҳам мазкур кенгаши «Ниҳол» мукофотига тавсия этилган юздан ортки номзоднинг иқодий имкониятларини ҳар томонлама ҳолис кўриб чиқиб, Ватанимиз мустақиллигининг ўн бир йиллик байрами арафасида улардан ўн нафарини ушбу юксак мукофотга муносиб деб топди. Фойибларга мукофотларни ўтган йилларда ушбу совринга лойиқ топилган ёш хонандалар ҳамда таниқли санъаткорлар топширди.

Тадбирда «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ва ижрокчи ёшларнинг катта муносиқий дастури намойиш этилди.

Назозат УСМОНОВА,
УЗА мухбири.

Аёлларга Эҳтиром

Ўзбек Миллий академик Драма театрида Қарияларни қадрлаш йили ва мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган «Аёлларга эҳтиром» мавзусида тантанали кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда маориф, маданият, ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш соҳалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва қасаба уюшмаларининг хизмат кўрсатган ходимлари иштирок этди.

Шуниси эътиборга моликки, мамлакатимизда аёлларнинг жамиятда туғган макеини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Қариялар манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. Усиб келатган авлоднинг жисмоний, ақлий ва маданий ривожланиши учун барча зарур шарт-шароит яратилмоқда. Яқинда қабул қилинган ва бутунгича кунда жадал амалга оширилаётган муҳим ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисидаги фармони ҳамда ҳукуматимизнинг аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори бунга ёрқин мисол бўла олади.

Шу билан бирга мамлакат раҳбарияти мустақиллигининг дастлабки кунларидан тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишга киришгани ҳам эътиборга лойиқдир. Бу борада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда устувор йўналишга айланди.

Тантанали кеча санъат усталари ва ижрокчи ёшлар иштирокидаги катта байрам концерти билан якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июнда қабул қилинган «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини иқимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини амалга ошириш бўйича Тошкент вилоятида катта ҳажмдаги ишлар бажарилмоқда»

2005 йилгача вилоятдаги аҳоли яшаш жойларини газлаштириш даражасини 82 фоизга етказиш бўйича қарор қабул қилинган. Шунинг таъкидлаш жоиз, 1999 йилдан 2002 йилнинг биринчи ярмигача вилоят қишлоқларида газ олиб бериш 69,9 фоиздан 74,4 фоизга ўсди.

Газлаштириш ишлари бошлангандан бери газ тармоқлари қурилиши 10459,6 километрга, шу жумладан, қишлоқларда 7323,3 километрга етказилди.

Тошкент вилояти бўйича жорий йилда 342 километр масофага газ ўтказиш режалаштирилган бўлиб, шундан 66,8 километрини бюджет ҳисобидан амалга ошириш кўзда тутилган эди. Амалда барча молиявий манбалар ҳисобига январь-июнь ойларида жами 157,3 километрга газ тармоқлари уланди. Шундан 36,6 километри бюджет ҳисобидан бажарилган. Қишлоқ жойларида 153 километр газ тармоғи қурилган бўлса-да, бунинг 35,2 километри бюджет ҳисобига тўғри келди.

«Тошвилоятга таъминот» шўъба корхонасининг бюртмаси бўйича 2002 йилнинг январь-

даги Навойи номли ширкат ҳўжалигида 1,5, Охангарон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги Қорабалиқ кўрғонига 10, шу туман-

орта бориб, марказлашмаган давлат сармоси ҳисобига йиллик режа бўйича 15,6 километр газ ўтказиш режалаштирилган эди. Шундан, Бўқа

иёни «Шодималик» ҳўжалигида 4,1, Зангиота тумани «Зангиота» ширкат ҳўжалигида 4,4 километр газ тармоғи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тошкент ва Зангиота туманлари ҳўжалиқларида уланган газ асосан халқалаш газ тармоқлари бўлиб, куз ва киш ойларида аҳолига табиий газни бир меъёрда етказиш беради. Бу борадаги ишлар кўлами

туманидаги «Хўжақўрғон» ҳўжалигида 5 километр ва Пскент туманидаги Дўстбеков номли ширкат ҳўжалигининг «Қашқадарё» ва «Фарҳод» кўрғонларида 0,8 километр газ тармоғи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Булардан ташқари, ҳўжалиқлар ва аҳоли ҳисобидан 24,3 километрни газ тармоғи барпо этилди. Бошқа бюртмачилар ҳисобидан

эса, 5,4 километр газ тармоғи ўтказилди. Шу йилнинг 1 июль ҳолатига давлат капитал маблағларидан 150 миллион сўм ажратилган бўлиб, пулнинг ҳаммаси пудратчи ташкилотларга ўтказиб берилди.

Уй-жойларни газлаштириш бошлангандан бери жами 375289 та хонадонга «зангори олов» олиб кирилди. Шундан 17375 хонадон қишлоқларда жойлашган. 2002 йилда режа бўйича 6140 хонадонни, январь-июнь ойларида 3070 хона-

донни газлаштириш мўлжалланган эди. Амалда эса режа 107,5 фоизга бажарилди. Режа бўйича қишлоқ жойлардаги 2747 та хонадон газлаштирилиши лозим эди. Амалда эса, бу кўрсаткич 3044 тага етказилди.

Шу ўринда яна бир маълумотни келтириб ўтиш даркор. Ҳозиргача хонадонларга жами 34778 донга газ ҳисоблагич ўрнатилди. 2002 йилнинг биринчи ярмида 4083 донга, шундан 3300 таси янги газлаштирилган хонадонларга қўйиб чиқилди. Эътиборлиси, хонадонларга ҳисоблагичнинг ўрнатилиши табиий газдан тежаб-тергаб фойдаланишга олиб келмоқда. Бу нарса давлатимиз учун ҳам, аҳоли учун ҳам фойдали бўлмоқда.

С. УСЕНОВ,
«Тошвилоятга таъминот» шўъба корхонаси директори ўринбосари.



Газлаштириш ишлари бошлангандан бери газ тармоқлари қурилиши 10459,6 километрга, шу жумладан, қишлоқларда 7323,3 километрга етказилди.

Қарор ва ижро

Тахририятга ҳат

ЯХШИЛИК УНУТИЛМАЙДИ

Ассалому алайкум, ҳурматли тахририят! Дунёда ҳеч бир инсон бевақф отаси ёки онасидан айрилмасин экан. Мен, Гулбаҳор Маҳамедова, 1996 йили икки фарзандим билан отасидан жудо бўлдим. Бошимдан ўтган қийинчиликларни фақат ўзим биланман. Қўшни болалар ишдан қайтаётган оталари ёнига шодон қичкириб югуришганда гўдақларим мунғайиб туришганини кўриб, юрагим эзиларди, қўйиб кетардим. Ҳа, ота-она ўрнини ҳеч ким боса олмайдди.

Начора, инсон боласи ҳаммасига кўникар экан. Яхшиямки, бахтимизга қайнота, қайнонам, ота-онам бор экан. Шуларнинг моддий ва маънавий мадади билан қийинчиликлар ортада қолиб, фарзандларим улғайиб қолди.

1998 йили етти ёшгача фарзандлари бор аёлларга ёрдам пули берилишини айтишди. Ҳўжатларни тўғрилаб топширдик. Олти ойдан сўнг биз чет эл сармосдорларининг «Қувват халқаро хайрия» жамғармасидан ёрдам пули олдик. Бу ишнинг бошида ўша пайтда Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси етакчи мухтавасисини бўлиб ишлаган Гулзода Юнусова бўлди. Бу аёл билан шу воқеа сабаб танишдик. У кишининг яхшиликлари умрбод эсдан чиқмайди. Бу аёл шундай инсонки, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиганлардан. Ҳеч ўзини уйламайди. Ҳар доим халқ хизматига. Эзгу ишлар учун доимо вақт топади.

Сизлардан илтимос, шу қалб сўзларимизни газетангизда ёритсангиз. Гулзода опа, сизга узок умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Фарзандларининг роҳатини кўриб юринг. Сизни тарбия этган ота-онангизга мингдан-минг раҳмат. Илоҳим, эл хизматидан асло чарчаман, деб сизга ҳурмат ила сингилларингиз:

Гулбаҳор МАҲАМЕДОВА,
Раъно АЛИМБЕКОВА,
Саида РУСТАМОВА,
Жами 20 ймзо.

Янгийўл тумани Нибзобош қишлоғи.

Республика кўчмас мўлк биржасининг Тошкент вилояти филиалида ўтган ҳафтада ҳаммаси бўлиб, кимовши савдосида 1580000 сўмлик ер майдони ва биржа-савдосида 950000 сўмлик нодавлат автотранспортни сотилди.

